



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 23 апрель, № 78 (8701)

Сешанба Сайтизмизга Ушш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТОШКЕНТДА ЙИРИК ХАЛҚАРО САНОАТ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ



Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон дунёдаги йирик сармоядорларни жалб қиладиган ҳудуд мақомига эга бўлмоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўرғазмалар мажмуасида очилган "Иннопром. Марказий Осиё" халқаро саноат кўрғазмаси бунга аниқ мисол бўла олади. Халқаро миқёсдаги йирик тадбирнинг Тошкентда ўтказилиши очиқ савдо, инвестиция, транспорт коммуникациялари, ҳудудлараро, маданий-гуманитар алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилади. Шу билан бирга, янги саноат технологияларини оммалаштириш ҳамда корхоналар ўртасида ўзаро шерикликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.



Сирождин ВОҲИДОВ олган суратлар.



"Марказий Осиёда саноат кооперацияси: минтақавий йўналиш" мавзuida Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган кўрғазма ялпи мажлисида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ва Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Денис Мантуров қатнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда 3000 дан ортиқ Россия билан қўшма корхоналар ишлаб турган бўлса, Россияда Ўзбекистон резидентлари иштирокида 600 дан зиёд компаниялар фаолият олиб бормоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Тошкент халқаро саноат кўрғазмасида 10 мингдан ортиқ вакиллар, 450 та хорижий компания ҳамда 27 давлатдан делегация иштирок этмоқда. Кечаги дастур доирасида қатор мавзуларда мунозаралар ўтказилди. "B2B" форматидаги учрашувларда иштирокчилар янги лойиҳалар ва келгуси ҳамкорлик истиқболлари юзасидан мунозараларда қатнашди. Саноат кўрғазмаси 24 апрелга қадар давом этади.

«Халқ сўзи».

Акс садо МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИ

Бугунги шиддаткор замон, тинчлик дея аталмиш улуғ неъмат янада қадрли бўлиб бораётган давр давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустақамлашни тақозо этмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Президентимизнинг қўшни Тожикистонга давлат ташрифи замирида икки мамлакат ўртасида яхши қўшничилик, узоқ йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишдек эзгу мақсад мужассам.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари дўстона алоқаларни фаоллаштириб, Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Натижада бугун тенг ҳуқуқлилик, ўзаро хурмат ва ишонч тамойилларига асосланган муносабатларимиз янги босқичга кўтарилди. Айниқса, бу икки давлат бир-бирларининг глобал ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, МДҲ, ШХТ, ИХТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани эътиборга молик.

Тарихий воқеалар ва натижаларга бой ўтган ташриф давомида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишини қамраб олувчи 28 та ҳужжат имзоланди.

Шу ўринда икки давлат ўртасида таълим, тиббиёт, фармацевтика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кун сайин юксалиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Бунга охириги етти йилда ўзаро савдо ҳажми 197 миллион АҚШ долларидан 757 миллион долларга ўсганида, экспорт-импорт ҳажми 4-5 баробар ошгани, товар айирбошлаш ҳажми 40 баробар ўсиб, қўшма корхоналар сони 15 баробар кўпайганида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, икки давлат ўртасидаги чегаралар очилиб, фуқароларнинг борди-келдиси бирмунча осонлашди. Тошкент,



Самарқанд ҳамда Душанбе, Панжикент, Хўжаанд шаҳарлари ўртасида авиа, автобус ва темир йўл қатновлари йўлга қўйилди.

Чегарадош ҳудудларда ўзаро савдо-сотик, логистика объектилари ишга туширилиб, ҳар икки томон учун самарали фаолият йўлга қўйлаётганини ҳам айтиш зарур. Масалан, Фарғона вилоятининг Бешарик туманида Тожикистон билан чегарадош ҳудудда "Андархон" йирик минтақавий савдо-логистика кластери қурилмоқда. Яқин кунларда бу ерда 200 дан зиёд объектлар — ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар, меҳмонхоналар, банк ва логистика марказлари фаолият юрита бошлайди. Бу туманда кейинги пайтда тиббий туризм ҳам сезиларли даражада ривожланыпти.

2018 йилда икки давлат ўртасида виза режимининг бекор қилиниши ва чегараларнинг очилиши турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга катта туртки берди, бу инсонларнинг эркин ҳаракатланиши, мулоқот ва савдо қилиши учун қулай шароитлар яратди.

СЕНАТ КЕНГАШИНИНГ САЙЁР МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенати томонидан республикаимиз туман ва шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг самарали ижро этилиши устидан парламент назорати амалга оширилиб, бу борада услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жараён

Сенат Кенгашининг навбатдаги сайёр мажлиси Қарши шаҳрида ўтказилди ва унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар вилоятда ушбу йўналишда бир қатор натижаларга эришилганини алоҳида таъкидлашди. Хусусан, сўнги етти йилда Қашқадарё вилояти-

ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси таъминланиши ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулот 1,3 баробар, саноат ишлаб чиқариши 1,5 қарра, қурилиш ишлари 1,5 марта ва хизматлар 1,9 баробарга ошган. Бу даврда 5,2 минг километрлик ичимлик суви тармоқлари тортилиб, сув таъминоти 29,8 фоиздан 59,4 фоизга етказилган ва 7,7 минг километрлик узунликдаги таъмирталаб йўллар ҳолати яхшилانган, 480 га яқин кўп қаватли уйлар қурилиб фойдаланишга топширилган.



Қонунчилик палатаси фракцияларида

ФАОЛ ПОЗИЦИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Қонун лойиҳалари муҳокамаларида қизгин тортишув, баҳс-мунозараларнинг бўлиши табиий жараён ва бу депутатларнинг қай даражада фаол позицияга эга эканини намоён этади. Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида кун тартибидagi долзарб масалалар халқ вакиллари томонидан ўта синчковлик билан атрафлича қўриб чиқилди. Гарчи баъзи масалаларда депутатлар қарашлари турлича бўлган бўлса-да, барчаси устувор мақсад рўйига — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Қизгин саволлар ўртага ташланди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 18-19 апрель кунлари Тожикистон Республикасига давлат ташрифининг аҳамияти муҳокама марказида бўлди.

ЎзЛиДeП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов сўнги йилларда икки давлат ўртасидаги кенг қамровли ва кўп қиррали ҳам-

корлик янги суръат касб этиб, мазмунан бойиб бораётганини таъкидлади. Президентимизнинг ушбу ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги азалий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч муносабатларига асосланган давлатлараро мулоқотни ҳар томонлама мустақамлаш ва бойитиш йўлидаги муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси-нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.



ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ТАРИХИЙ ДАВР

Дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга кўз ташласак, зиддият ва урушларнинг аксарияти қўшниларнинг ўзаро ноаҳиллиги туфайли келиб чиққанига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Европа, Осиё ва Африка, Яқин Шарқ ва Форс кўрғазмидаги кескинликлар ортида ҳам худди шундай сабаблар ётади.

Яқин пайтларгача Марказий Осиёда ҳам мамлакатлар ва халқлар орасида гоҳ ошқорча, гоҳ яширин адоват, гина-қудуратлар кузатилиб турди. Вақтлар бўлдики, қонқардош, қуда-анда халқлар орасига кўзга кўринмас пардалар тутилди, сунъий деворлар ўрнатилди. Ўзаро борди-келди, гўёки ушалмас орзуга айланди.

Сўниб бораётган орзу 2016 йил охиридан эътиборан Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар туфайли қайта тикланди. Қоғоз-

даги ўзаро дўстлик ҳақидаги хаёлот ҳаётга кўчди. Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланган Ўзбекистон, биринчи навбатда, асосий эътиборни қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ва мустақамлашга қаратишни эълон қилди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли бугун дунё ҳамжамияти минтақамизда рўй бераётган тарихий жараёнларга гувоҳ бўлди. Чегаралар очилди. Сим тўсиқлар ўрни-

ни дўстлик дарвозалари эгалади.

Аҳил қўшничилик, маданий дипломатия сиёсати бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг "ташир қоғози"га айланиб улгурди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида қардошлик муносабатлари иттифоқчилик даражасига кўтарилмоқда. 2022 йилда Қозоғистон билан иттифоқчилик муносабатлари ўрнатган Ўзбекистоннинг минтақада яна бир иттифоқчиси пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга 18-19 апрель кунлари амалга оширган давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди.



ҲУДУДЛАРНИ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар, "маҳалла еттилиги" ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида амалий ташриф билан Қашқадарё вилоятида бўлди.

Мулоқот

Косон туманида халқ депутатлари Косон ҳамда Муборак туман Кенгашлари депутатлари иштирокида ўтказилган учрашувида асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишда депутатлик назорати институти имкониятидан самарали фойдаланиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйи-

ча белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Айни чоғда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишда "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликни қўчайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Қарши туманидаги "Ертепа" МФЙда ҳам худуддан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари билан мулоқот ўтказилди. Унда аҳолини муносив иш билан таъминлаш, маҳаллалардаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмак бериш, маҳаллий Кенгаш сессияси ҳамда доимий комиссиялар муҳокамасига долзарб масалаларни олиб чиқиш юзасидан тавсиялар берилди.



БИЗ 37 000 000 ГА ЕТДИК!

2024 йилнинг 22 апрели Ўзбекистон ҳаётида яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлди. Жонажон Ватанимиз аҳолиси роппа-роса 37 миллионга етди. Улардан меҳнатга лаёқатли аҳоли бир йил олдингига нисбатан 205 минг 600 нафар кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълум қилишича, аҳоли сони 4 миллиондан ошган вилоятлар 2 тага етди. Эндиликда

нуфусимиз ҳар куни 1800, ҳар ойда 54 минг 500 нафарга кўпаймоқда. Эслатиб ўтамиз, 36 миллионлик марра 2022 йилнинг декабрида босиб ўтилган эди.

Бугунги кунда энг аҳоли гавжум ҳудудлар Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ҳисобланади. Юртимиз шаҳарларида 19 миллион, қишлоқ ҳудудларида эса 18 миллион аҳоли истиқомат қилади.

Ҳамма нарсга киёсланганда яққол намоён бўлади. Ер юзиде аҳолиси 1 миллионга ҳам етмайдиган давлатлар жуда кўп. Халқи-

миз нуфуси жиҳатдан Марказий Осиё минтақасида пешқадам. Охириги 5 йил мобайнида аҳоли кўпайиши ҳар қачонгидан жадаллашди. Бу халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганидан далолатдир.

Ш. ЖАББОРОВ тайёрлади.
Ю. БҮРИЕВ олган суратлар.
(«Халқ сўзи».)

СЕНАТ КЕНГАШИНИНГ САЙЁР МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўтган йилда инвестиция дастурлари доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича 836 млн. долларлик 1 340 та лойиҳа ишга туширилган. Тўғридан-тўғри 377 млн. доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 391,6 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи 25 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Шуларга мос равишда ҳудудий бандлик дастури доирасида доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш ўринларидан йил давомида 474 минг кишининг бандлиги таъминланган.

Муҳокама жараёнида ҳудудда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар ва ўз ечимини кутаётган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш, экспорт прогнози кўрсаткич-

лари ижросини таъминлашда айрим туманларда ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Масалан, Деҳқон-обод туманида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Китоёб, Миришкор, Фузор ва Қарши туманларида инвестиция ҳақида ўсиш суръати таъминланмаган. Экспорт прогнози кўрсаткичлари эса Муборак, Яққабоб ва Шахрисабз туманларида атиги 50 — 55 фоизга бажарилган ҳолос.

2023 йилда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятини бошлаган 7,5 мингта субъектнинг 36 фоизи фаолиятини тўхтатган. Ушбу кўрсаткич Китоёб, Косон, Кўкдала ва Чироқчи туманларида юқори. Бунинг сабаблари таҳлил қилиниб, тегишли чоралар кўрилмаган.

Бўш турган давлат объектларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ишлари самарадорлиги ҳам паст. Аукцион савдоларида чиқарилган 130 га яқин бўш турган бинолар

уч ойдан ортиқ вақт мобайнида сотилмаган.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги муддати ўтган қарздорлиги ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 15 фоизга ошган.

Шунингдек, мажлисда вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш, паст қувватда ишлаётган саноат корхоналари билан ишлаш, инвестициялар жалб қилиш, экспорт ҳажминини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, муқобил энергияни жорий қилиш, сув тежовчи технологиялар ўрнатилиши юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар масъул вазирлик ва идораларга кўрсатиб ўтилди ҳамда қатор тақлифлар илгари сурилди.

Муҳокама якунида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, иш фаолиятини кенгайтириш истагидаги аёлларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш ва тизимли ҳал этиш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида молия муассасалари томонидан бизнес лойиҳалари тайёрлангани, уларни амалиётга татиқ этиш учун кредитлар ажратилиши айтилди. Бундан ташқари, ишлаш истагидаги аёлларни кооперация асосида тадбиркорларга бириктириш бўйича тавсиялар берилди.

Косон туманидаги “Месит” МФИда “маҳалла ет-тилиги” билан ўтказилган суҳбат асосида Сенат Раиси хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича банкларга йўлга қўйилган ҳамкорлик, биргалликда амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди. Ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий ҳодимнинг аҳоли ўртасида манзилли ишлаш лозимлиги ургуланди.

Тумандаги ишбилармонлардан бири “Урта Оброн” МФИ ҳудудидаги эҳтиёманд оилаларни тураржой билан таъминлаган бўлиб, Т. Норбоева ушбу хонадонлар эгарларининг турмуш шароити, бандлик даражаси билан қизиқди. Мақола оилаларнинг даромад манбасини ошириш юзасидан мута-садиларга кўрсатмалар берди.

Сенат Раиси Касби туманидаги “Обод маҳалла” фуқаролар йиғинида туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари ҳамда тижорат банклари вакиллари билан мулоқот ўтказди.

Шу жараёнда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги “Қирсадақ”

МФИ намунаси асосида ишлаб чиқилган янги тизимни Қашқадарёда йўлга қўйиш борасида олиб бориладиган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Бунда ишсиз, аммо ишлаш истагидаги хотин-қизларнинг имконият ва эҳтиёжларини аниқлаш борасидаги фаолият сусти олиб бориладиганлиги қайд этилиб, ушбу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан вазифалар белги- берилди. Хусусан, хонадонбай ўрганиш иш-ларига тижорат банкларини ва мутасадди ташкилот вакилларини жалб этиш лозимлиги айтилди.

Ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва даромад топиш-га қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларни мавжуд бўш ва янги очилган иш ўрин-ларига жойлаштириш, жамоат ишларига йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, хунармандчилик, касаначилик ва томоркачилик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилган хотин-қизларга субсидиялар ажратиш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

Бундан ташқари, ўрганишлар давомида аниқланган тегишли психологик, ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш, ҳар бир аёл муассоси тўлиқ ҳал этил-гунга қадар унинг назорати-ни йўлга қўйиш ва зарур бўлганда қўшимча ёрдам кўрсатиш керакли-ги таъкидланди.

Ташриф доирасида Сенат Раиси вилоятдаги қатор корхоналар фаоли-яти билан ҳам яқиндан та-нишди.

Маълумки, бугун Қаш-қадарёда саноат тез ри-вожланиб, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиб бор-моқда. Касби туманидаги лойиҳа қиймати 2,2 млн.

доллар бўлган “Sulton Tex Group” хусусий корхонаси-да айтилган 500 киши меҳнат қилмоқда. Эъти-борлиси, корхонада ўқув маркази ҳам очилган бўлиб, уни битирган хотин-қизлар шу ернинг ўзида иш билан таъмин-ланяпти.

Шунингдек, Т. Норбоева Косон туманининг “Месит” МФИдаги “Бунёдор” пах-та-тўқимачилик кластери-га тегишли тикувчилик корхонасида бўлди. Бу ерда пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш-нинг тўла саноат “занжи-ри” яратилган. Туркия ва Италиядан келтирилган ус-куналар билан жиҳоз-ланган корхонада тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Юқори сифатли кийим-ке-чаклар экспортга йўналти-риладигани, айниқса, эътиборга молик.

Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” кичик сано-ати зонаси Сенат Раиси-нинг навбатдаги ташриф манзили бўлди. Бу ерда “S-Smart” бренди остида сўнгги авлод телевизорла-рини ишлаб чиқариш жа-раёни билан танишилди. Воҳада ягона саналган корхона маҳсулотларига маҳаллий бозорда талаб юқори бўлиши билан бир-га, экспортга ҳам чиқари-ляпти.

Сенат Раиси аҳоли, ай-ниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг репро-дуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича амал-га ошириладиган ишлар билан бевосита танишди.

Хусусан, Қарши шаҳри-даги Республика ихтисос-лаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амал-ий тиббиёт марказининг вилоят филиалида бўлиб, шифокор ва беморлар билан суҳбатлашди.

Очқ мулоқот асосида оналар ва болалар сало-матлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ва уларнинг репродуктив са-ломатлигини тиклаш, эрта туғуруқнинг олдини олиш, дунёга келган ва туғила-

жак гўдақлар ҳамда улар-нинг оналарига малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида марказ ва унинг туман филиалларида олиб бориладиган ишлар тан-қидий муҳокама қилинди.

Вилоятда 2023 йилда 95,2 минг нафар ҳомила-дор аёл рўйхатга олинди, 102,3 минг туғуруқ қайд этилган бўлса, 7 мингга яқин ҳомиладорлар бир-ламчи тиббий муассасада ҳисобда турмасдан туғуруқ муассасаларига боришган.

Суҳбат давомида она-лар ва болалар саломат-лиги учун масъул бўлган соҳа ҳодимлари олдида турган долзарб вазифа-ларга ҳам тўхталиб ўтил-ди. Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида “тиббиёт бригадалари” ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳомиладор аёлларни аниқ-лаш, уларни ҳисобга олиш ва даврий тиббий қўриқдан ўттишини ташкил этиш, ҳолатини доимий мониторинг қилиб бори-ши, туғуруқдан кейин она ва боланинг даврий па-тронажнинг юриштиши ло-зимлиги ургуланди.

Вилоятда бугун давлат соғлиқни сақлаш муассасалари қатори хусусий тиббиёт ҳам ривожланиб бормоқда. Қарши шаҳри-даги “Javohir medical sentr” МЧЖ тиббий таш-хис қўйиш ва даволлаш маркази йилига 120 минг аҳолига хизмат кўрсатиш-га мўлжалланган.

Сенат Раиси замонавий тиббиёт ускуналарига эга муассаса фаолияти билан танишаркан, беморларга яратилган шароитларга ҳам эътибор қаратди.

Айни пайтда 200 нафар ҳодим ишлаётган муассаса-сида 2024 йил якунигача диагностика марказини кенгайтириш лойиҳаси ҳисобига яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Олий Мажлис Сенати Раисининг Қашқадарё ви-лоятига ташрифи қизгин мулоқотлар ва натижалар-га бой тарзда кечди.

«Халқ сўзи».

ФАОЛ ПОЗИЦИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Нодир Абдувалиев қонун лойиҳасининг 138-моддасида назарда тутилган янгиликлар бўйича ўз тақлифларини берди. Яъни пиёдалар йўл ҳаракат қисмининг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиши, йўлнинг қатнов қисми-да, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда йўлов-чиларнинг телефондан фойдаланиши ва бошқа ҳаракатлари учун жарима миқдорини оширмасдан, амалдаги тартибни сақлаб қолиш лозимлигини билдирди.

Фракция аъзоси Шаҳноза Холмама-това ҳам ушбу масалага тўхталиб, пиёдаларнинг йўллардан ўтиши учун, энг аввало, уларга зарур шароитлар яратиш, таълим муассасалари олдида йўл белгиларини ўрнатиш ва йўл чи-зиқларини чизиш зарурлигини таъкид-лади.

Қонун ташаббускорлари шу ва бош-қа кўтарилган масалалар юзасидан атофлича тушунтиришлар бериб ўтди. Уларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳаси йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш билан бирга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.



Аниқ ҳуқуқий механизмлар белгиланади

Халқаро тадқиқот маркази устави нима беради?

Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партияси фракцияси йиғилишида долзарб қонун лойиҳалари қаторида “Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази (ICCROM) Уставини (Рим, 2013 йил 29 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган.

Қонун ташаббускорларининг айти-шича, мамлакатимизда марказ Ус-тавини ратификация қилишга катта эҳтиёж бор. Бунинг натижасида айти-лай ЮНЕСКО билан ҳамкорлик-да ушбу йўналишда қилинаётган иш-лар эндиликда халқаро марказ дои-расида амалга оширилади. Бу на-фақат мамлакатимиз имижига, бал-ки жаҳон маданий мероси рўйхати-га киритилган машҳур ёдгорликла-римизнинг халқаро даражадаги тар-ғибот-ташвиқоти ҳам катта ёрдам беради.

Муҳокама давомида фракция аъзо-лари маданий мерос объектларини ас-

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркиниги ва диний эътиқоди-га оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни давлат то-монидан қўллаб-қувватлаш тизими та-комиллаштирилиб, фуқароларга Умра зиёрати учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Лекин Умра тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилма-гани зиёратчилар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини бермапти.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан “Лицензиялаш, рух-сат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунлар Умра тад-бирини ташкил этиш ва ўтказиш, хизмат кўрсатишга оид қўшимча нормалар билан тўлдирилмапти.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-му-лоҳазаларини билдирган экан, лойиҳа-ни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни-да фракция аъзолари томонидан илгари сурилган бир қатор тақлифлар эъти-борга олинган ва ҳужжат матнида ўз аксини топганлигини алоҳида қайд эт-дилар.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси Умрага кетаётган зиё-ратчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Жазо чоралари кучайтирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда юртимизда ижтимоий соҳа объектлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи-ни қоплаш борасида кенг қўлланми иш-лар амалга оширилмоқда. Аммо айрим ҳолларда кўмир маҳсулотини истеъмол-чиларга етказиш ва тарқатишда ёки уларни ташishi мўлжалланган транс-порт воситаларидан фойдаланишда яширин равишда оз миқдорда талон-торож қилиш ҳолатлари учраб турган-лиги аҳолининг ҳақли эътирозига са-баб бўлаётир.

Бу каби ҳолатларни бартараф этиш ва уларга таъсирчан чораларни кўриш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан кўмир маҳсулотларини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фибрибарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Йиғилишида фракция аъзолари қонун ташаббускорларидан ўзларини қизиқ-тирган саволларга жавоб олди ҳамда қонун лойиҳасини маромига етказиш-га қаратилган тақлиф-тавсияларини билдирди. Хусусан, кўмир маҳсулотла-рини етказиш ва тарқатиш пунктлари-да аҳолига йўналтирилаётган кўмир маҳсулотларининг сифатини ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратил-ди. Бундан ташқари, кўмир маҳсулот-лари оғирлигини суъий равишда оши-риш мақсадида бонша турдаги маҳсу-лотларни аралаштираётганларга нис-батан ҳам жавобгарлик белгиланиши-га оид тақлифлар илгари сурилди.

Фракциялар йиғилишларида қизгин муҳокама қилинган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланиши ҳамда фракциялар фаолиятига оид қўрилган бошқа маса-лалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари янада мустаҳкамланади

“Миллий тиклиниш” ДПнинг энг устувор вазифаларидан бири эканли-гини айтиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Депутатларнинг қайд этилишича, бе-тактор обидларимизни қўз қорачи-дук асрашга бўлган муносабат ҳамон талаб даражасида шакланган йўқ. Албатта, халқаро даражадаги бундай ҳужжатлар жамиятимизда бу борадаги ишлар маданият даражасига айлан-ишига хизмат қилади. Қолаверса, бундай ҳужжатлар нафақат имконият беради, балки мажбуриятлар ҳам оқилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг “СССРОМ”га аъзо бўлиши ЮНЕСКОнинг техник ёрдами ва маблағларини кенг-роқ жалб этиш, ҳар икки йилда бўлиб ўтадиган “СССРОМ” Бош ассамблеяси-да юртимизда маданий меросни сақ-лаш ҳолатини кўриб чиқиш ҳамда со-ҳада ўтказиладиган халқаро тадбирлар ва муносабатларда Ўзбекистон вакил-ларига тўлақонли аъзо сифатида иштирок этиш имконини беради.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари янада мустаҳкамланади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси партия электорати манфаатлари нуқтаи назар-ида муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан “Ногиронли-ги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғри-сида”ги Қонунга ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойда-ланиш, сайлаш ва сайланиш, рефе-рендумда иштирок этиш, шунингдек, фойдаланиш имконияти бўлган мультимедиа воситалари ва ахборот-ком-муникация технологияларини ривож-лантириш ёрдамида таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишни назарда ту-тувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

«Халқ сўзи».

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Бугунги глобаллашув даври ҳар биримиздан замон билан ҳамнафас одимлашни талаб этади. Демак, бугун қайси соҳада ишламайлик, албатта, она тилимиз билан бирга, бир неча хорижий тилларни ҳам билишимиз зарур. Боиси тил билган киши дунё кезади, дўст орттиради, ҳамкорлар топади. Жаҳон халқлари маданиятидан, тарихидан хабардор бўлади.

Фикр

Шу сабабли нафақат юртимизда, балки бутун дунёда чет тилларни ўрганишга қизиқиб кундан-кунга ортомқда. Инсон қачонки хорижий тилларни мукаммал билса, бир неча тилларда мулоқот қила оلسа, касб-хунар ўрганса, ҳаёти ва турмуши ҳам мазмунли ўтади. Ўзбекистонда ёшларга таълим-тарбия бериш, турли йўналишларда етук мутахассис-ларни тайёрлашда хорижий тиллар-ни чуқурлаштириб ўргатишга муҳим вазифа сифатида қаралаётгани бои-си ҳам шунда.

Бунинг замирида юрт келажаги ва раванкаси учун хизмат қилувчи, дунё бозорида рақобатбардор, талабгир, билимдон кадрлар тайёрлаш, ўғил-

қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, илму хунарни қилиш мақсади муҳассам.

Хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган ҳар қандай инсон нафа-қат ўз фаолиятига янгиликлар олиб қиради, вазифаларни сифатли бажа-ради, илғор гоёлар билан чиқади, балки оддий айтганда, хизмат пога-наларидан кўтарилиш учун мустаҳкам интеллектуал замин тайёрлайди. Энг муҳими, хорижий тилларни яхши бил-ган инсон қаерда бўлмасин ишини то-пади, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож бўлмайди. Шунинг ўзидек глобаллашув даврида тил билиш нақадар муҳим эканидан далолат беради.

Кейинги пайтларда ижтимоий тар-моқларда, интернет сайтларида хо-рижда меҳнат фаолиятини олиб бо-раётган ёшларимизнинг тил билмас-

лиги, қўлида яхши хунари йўқлиги са-бабли турли қийинчиликларга, муам-моларга дуч келаётгани ҳақида кўп эшитяптимиз. Бу ҳар биримизни ўйлан-тиради, мушоҳадага чорайлади. Демак, ушбу масалада хали муаммолар бор.

Ҳўш, бу муаммонинг олдини олиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун юртдошларимиз Ташки меҳнат миграцияси агентлиги хизматларидан самарали фойдаланиши керак, ҳолос. Лекин кўпчилик фуқароларимиз ўз хавфсизлигини ўйламай, Россия ёки Қозоғистонга боришни афзал кўради.

Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда хорижа ишлаш учун кетиш истаги-даги меҳнат мигрантларини тил ва касб-хунарга ўқитиш, хавфсизлиги ва қауфатланган иш билан бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилган. Давлатимиз яратиб бераёт-ган имкониятлар, шароитларга қара-май, баъзи ёшларимиз чет тилни били-масда, хорижа чиқиб кетяпти. Тил билмаслиги боис иш излаш ва тан-лашда хатоларга йўл қўймоқда, ҳуқуқларини талаб қила олмапти.

Мазкур муаммоларни ҳисобга

«Халқ сўзи».

олиб, юртимизда меҳнат миграция-сини, халқаро меҳнат миграцияси жа-раёнларини ўз ичига олувчи мигра-ция сибаситини шакллантириш йўли-да изчил ишлар олиб борилаётир. Меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солиш, мавжуд муаммолар-ни бартараф этиш, чет элга кетиш-дан олдин юртдошларимизнинг кас-бий маҳоратини ошириш имконияти-ни яратишга катта эътибор қаратил-моқда.

Масалан, айтилган 28 та дав-латнинг 300 га яқин иш беврвчи ва рекрутнинг агентликлари билан Ўзе-бекистондан ишчи кучини жалб қилиш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзо-ланган. Шунингдек, Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирлиги томонидан хорижий тилларни ва касб-хунарни ўргатиш учун 32 та мо-номарказ, 53 та касб-хунар ўқитиш ва 13 та қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш маркази ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда 48 та курс фаоли-яти йўлга қўйилди.

Президентимиз раислигида шу йил

2 апрель куни ўтказилган йиғилиши-да ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишда янгича тизим яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра 27 та профессионал таъ-лим муассасасида янги ўқув курсла-ри йўлга қўйилди. Хорижда ишлаган истаги бўлган фуқаролар 1 йилгача муддатда тўлов-шартнома асосида тайёрланади ва уларни чет тилга ўқитишда хусусий ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилинади.

Касбий малакаси йўқ, тилни билмай-диган фуқароларни эса касбга ўқитиш ва проффайтинг агентликларида мақ-садли тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу-нинг учун Ташки меҳнат миграцияси агентлиги ҳузурида фуқароларга хо-рижий тилларни ўргатиш ва ишлашга мақ-садли тайёрлаш маркази очилади.

Шу билан бирга, Буюк Британия, Германия, Польша, Венгрия, Япо-ниядидаги элчиона ва консулликларда меҳнат миграцияси бўйича атташе, Саудия Арабистонига агентлик ваки-ли лавозими жорий қилинади. Хориж-даги фуқароларимиз муаммосини тезкорлик билан ҳал қилиш учун эл-

чиҳоналар ва тегишли вазирликлар-да 24 соат ишлайдиган Call-марказ-лар ташкил этилади. Бу тизим орқали эса юртдошларимиз ўзларини ўйлантараётган барча масалага тез-корлик билан жавоб олиш имкония-тига эга бўлади.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз-да фуқароларни чет элга тартибли ва хавфсиз жўнатиш бўйича муайян иш-лар қилинмоқда. Бу борада “хорижа иш — маҳаладан” тамойили йўлга қўйилаётгани эътиборга молик. Унга кўра ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етак-чиси хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаронини аниқлаб, “Онлайн маҳалла” платформасига киритади. Номзодлар хориждаги иш беврвчилар танловла-рига жалб қилинади.

Ушбу сазъ-ҳаракатлардан қўзланган мақсад битта — токи чет элларда меҳнат қилаётган ёшларимиз ҳеч бир тўсиқ ёки муаммога дуч келмасин, Ватанига, оиласи бағрига соғ-омон қайтсин.

Шероҳ ҚУЛМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



АДАБИЁТИМИЗ, МАДАНИЯТИМИЗ ВА САНЪАТИМИЗ МУШТАРАК

Ўзбек ва тожик халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Жумладан, бу икки халқни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бири адабиёт, маданият ва санъат ҳисобланади.

Президентимизнинг Тожикистон Республикасига амалга оширган бу галги давлат ташрифи давомида шу масалга ҳам алоҳида эътибор берилди. Музокаралар чоғида икки халқ ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларини янада фаоллаштириш мумкинлиги кўриб чиқилди, киноматома, концерт, спектакль, кўргазма ва ёшлар форумларини мунтазам ўтказиш кераклигини ургуланди. Таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ҳамёнбоп туризм дастурларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда ниятда долзарб вазифа саналади.

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик халқлари тарихий илдизи туташ, тақдирини бир-бири билан боғлаган, турмуш тарзи ўхшаш эл. Шу боис ҳам, халқларимиз қандайдир бўлишган, яхши-ёмон кунини биргаликда ва ҳамжиҳатликда ўтказишган. Ўзбек ва тожик халқларининг муштарак маданияти ўзининг кўп йиллик илдизига эга. "Икки тилда сўзлайдиган битта халқ" сифатида санъатимизни тушундик, уни биргаликда тарқатиш кераклигини, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга кўнрақлигимизни ҳиссаси учун икки мамлакат маданияти ва санъат арбобларининг бир гуруҳига фахрий унвонлар берилди.

Хусусан, Ўзбек миллий музыка санъати институти профессори Муножатхон Йўлчиева, маданият вазири Озодбек Назарбеков, "Лаэги" ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари Огабек Собиров ҳамда хонанда Юлдуз Усмонова "Тожикистон халқ хофизини" фахрий унвонига, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев "Тожикистон халқ артисти" фахрий унвонига муносиб қўрилди. Шунингдек, Тожикистоннинг бир гуруҳ маданият ва санъат арбоблари "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлди.

ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ТАРИХИЙ ДАВР

Ўшбу муҳим ҳужжат, ҳеч муболағасиз, икки томонлама муносабатларда янги тарихий даврни бошлаб бермоқда. Марказий Осиё бирдамлиги бу битим туфайли бугун янги бир босқичга кирди. Энди уни янада ривожлантириш, олға босмоқ керак. Иттифоқчилик давлатлараро муносабатларнинг энг юксак ва ишончли даражаси бўлиб, манфаатлар уйғунлиги, икки мамлакат халқлари тақдирини ва келажагини умумийликда ифода қилади. Янада аниқроқ айтганда, бу иттифоқчилик Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши аниқ. Халқаро майдонда эътироф этилаётганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги келишувни имзоланиши Ўзбекистон давлат раҳбарининг ташрифини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқди, икки томонлама мулоқотлар эса янада фаоллашди. Яъни бу қадар муҳим ҳужжат иқтисодий, саноат, савдо, энергетика, транспорт, илмий, маданий, таълим ҳамда хавфсизлик соҳаларидаги қўшма ҳамкорликнинг асослари ва аниқ йўналишларини белгилашга ҳужжат қилди.

Келишув нафақат икки томонлама муносабатлар учун янги имкониятлар очди, балки бир-бирларининг миллий манфаатларини янада кўпроқ ва яхшироқ тушунишлари, ҳурмат қилишига, уларни минтакавий ва халқаро майдонда химоя этишига имкон бериши билан ҳам аҳамиятга эришди. Дарҳақиқат, иттифоқчилик муносабатлари муайян тамойиллар ва умумий қадриятлар асосида қўрилади. Шартномада мустақиллик, суверенитет, ҳудудий ахиллик ва давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, ишонч, тенглик, миллий манфаатларнинг ўзаро ҳисобга олиниши муҳим ўрин тутди. Трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофиза қилиш, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари мамлакатларимиз учун жуда муҳим. Ўшбу соҳаларнинг барчасини қамраб олиш учун иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битта катта келишув керак эди. Шартнома халқаро сўбасида, мулоқоф ва хавфсизлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Бу ерда халқаро майдонда ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, қуролсизлик, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга, хавфсизликка қаратилган янги таҳдидларни бартараф этишда амалий алоқаларни кучайтириш ҳақида ҳам сўз боряпти. Қолаверса, ҳар икки давлат минтакавий моҳароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳар томонлама ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирмоқда.

Алоқаларнинг юқори даражасига эришиш осон кечгани йўқ. Ҳар икки томондан жуда катта саъй-ҳаракатлар сарфланган. Зеро, собиқ иттифоқ тарқаб, мустақилликка эришган Ўзбекистон ва Тожикистон 1991 йилдан бери муносабатларнинг мураккаб йўлини босиб ўтди. 2016 йилга қадар республикалар муносабатларига дарз кетган вазиятлар ҳам бўлди. Хусусан, Тожикистоннинг муҳим иқтисодий лойиҳаси — Роғун ГЭС қурилиши устида келишмовчиликлар юзга чиқди. Республикалар ўртасида авиарейслар тўхтатилиши, автобус қатновлари бекор қилиниши, темир йўлнинг бир қисми бузиб ташланиши, виза режими жорий этилиши. Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бу муносабатлар яшилди. Ўтган йилларда икки мамлакат Президентлари бир неча ўзаро ташрифларни амалга оширди, стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолади, виза режими бекор қилинди, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олинди.

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК RIШТАЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистонда тожиклар ўзбеклардан кейин, Тожикистонда эса ўзбеклар энг катта этник гуруҳ ҳисобланади. Бу эса маданий муносабатлар ва халқ дипломатиясини фаоллаштиришга ёрдам беради. Бугун юртимизда 19 та тожик миллий маданий маркази фаолият юритмоқда, тожик тилида 8 та даврий босма нашр чоп этиляпти, телекўрсатув, радиодастурлар эфирга узатишмоқда. Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар, олий ўқув юртиларида факультет ва гуруҳлар сонини кўпайтмоқда. Худди шунингдек, Тожикистонда ҳам таълим ўзбек

тилида юритиладиган мактаблар сонини кўп, ўзбек тилида газета ва журналлар нашр қилинмоқда, телекўрсатувлар эфирга узатишмоқда. Буларнинг барчаси икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ривожланиш ва тараққиётни таъминлашга замин яратмоқда. Зеро, давлат раҳбарларининг учрашуви давомида маданий-гуманитар алоқаларини янада фаоллаштириш муҳимлиги қайт этилди, киноматошлар, концертлар, спектакллар, кўргазмалар ва ёшлар форумлари мунтазам ўтказилиши таъкидланди. Таълим со-

ҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳамёнбоп туризм дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва катта имкониятлар мавжудлигига ургу берилди. Олий даражадаги музокаралар якунида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланиши тарихий воқеалик бўлди. Негаки, мазкур ҳужжат халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАЗАЛТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ДУНЁГА ТАНИТИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Фориш туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери мамлакатимиз оғир саноати қудратини юксалтириш, мураккаб иш ва иқлим шароитларида табиий бойликларни самарали ўзлаштириш ҳамда тармоқни замонавий технологиялар асосида ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан Жиззах вилоятига уюштирилган пресс-турда оммавий ахборот воситалари вакиллари кластернинг бугунги иқоматлари билан яқиндан таништирилди.



Хабарингиз бор, Президентимизнинг шу йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифида илк манзил — Фориш туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери бўлди. Давлатимиз раҳбари корхона фаолиятини беш йил аввалги ҳолати билан таққослаб, ютуқларини эътироф этди. Базальт маҳсулотларининг афзалликларини тадбиркорларга тушунириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, шунингдек, ташқи бозорга чиқишни янада фаоллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.



ришдан аввал олиб борилган геология-қидирув ишлари натижасида ўшбу конда умумий базальт тошлари мавжуд майдон ҳажми 5 млн. кубни ташкил этиши аниқланди. Бу эса ўшбу конда еттулик ҳажми захираси мавжудлигини тасдиқлади. Кластер томонидан йилга 177 минг тонна базальт тошдан маҳсул тола ҳамда директ роувинг, фибра, арматура, композит геосетка, кубурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда. Утган йили 554 млрд. сўмлик 45 минг тонна маҳсулот тайёрланган бўлиб, уларнинг 80 фоизи АҚШ, Буюк Британия, Польша, Италия, Чехия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинган.

Экспортёр корхоналар қатори биз учун ҳам дунёнинг ривожланган давлатларига кенг йўл очилди. Маҳсулотларимиз бож тўловсиз экспорт қилинмоқда. Кейинги сабаб, ҳар йили Францияда ўтказиладиган аънавий "Jes World" — қурилиш материаллари ва кимёвий маҳсулотлар намоишида бағишланган халқаро кўргазмада қатнашиб, компания фаолиятини тарғиб этиш саъй-ҳаракатларидир. Тадбиркорнинг таъкидлашича, Европа бозорларида базальт маҳсулотларига қўшимча таъриф беришга ҳоҷат йўқ. Улар ўшбу маҳсулотнинг нақадар мустаҳкам ва экологик софлигини яхши тушунишади. "Биздан фақат сифат талаб қилишади, холос", дейди у.

Бундан ташқари, хорижий бюртмачилар Ўзбекистон базальти таркибида юқори қийматли элементлар мавжудлигини илғашган. Шу боис орадаги масофа қанчалик олис бўлмасин, АҚШ, Буюк Британия, Италия каби давлатларга ҳар ой маҳсулот жўнатилаётгани қайт этилди. Пресс-тур давомида журналист ва блогерлар кластерга қарашли "Ecobasalt group" ва "Geobasalt products" корхоналарига ташриф буюриб, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий мадади билан харид қилинган илгор технологиялар ишини кузатишди. Мутахассислардан маҳаллий микёсда базальтни кенг қўллаш истиқболлари хусусида маълумот олинди. — Албатта, маҳсулотларимиздан ўзимизда ҳам кўпроқ фойдаланилиши-

ни истаймиз, — дейди "Basalt Uzbekistan" компанияси бош директори. — Бу билан хавфсизлик, тежамкорлик ва атроф-муҳит барқарорлигини сақлашда яна бир муҳим қадам қўйилди. Шунинг учун лойиҳачи, қурувчи, умуман, базальт маҳсулотларини ишлашувчи соҳа вакиллари уни ўқитишга қаратилган илмий марказ ташкил этиш ниятидамыз. Зеро, базальт маҳсулотларининг афзаллиги билан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, уни тўғри қўллаш борасида ҳам етарли билим ва қўнимка зарур. Шунингдек, компаниянинг жорий йилги режалари қаторидан бозор талабидан келиб чиқиб, базальт директ роувинг ва матосини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳам ўрин олган. "Ўзсаноатқурилишбанк" кўмағида амалга оширилувчи лойиҳа келгуси йил ишга тушади. Натижада йилга 25 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиши, унинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади. Бу орқали эса 400 та иш ўрни яратилади. Пресс-тур доирасида ОАВ ходимлари учун Жиззах банк хизматлари офисига брифинг ўтказилди. Унда банкнинг вилоятдаги тармоқлари томонидан таъминланган тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш ва фаолиятини кенгайтириш, банкка бириктирилган маҳаллардаги етакчи тадбиркорлар билан ишчилик шартлари, улар орқали аҳоли даромадини ошириш ва бандлигини таъминлашда олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Аҳамиятлиси, молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдирот қилинди. Жорий йилда йирик корхоналар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари лойиҳаларига жами 300 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, бунинг ҳисобига 15 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши маълум қилинди. Брифингдан сўнг журналистлар банк офисига микозлар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Тошкент педиатрия тиббий институти ректорати ва меҳнат жамоаси институтининг Болалар хирургияси кафедраси профессори Маҳмуджон Алиева онаси **Моҳи АЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА

JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI QUYIDAGI LAVOZIMLARGA TANLOV E'LON QILADI:

- 1. Ingliz tili kafedrası dotsenti, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi;
- 2. Roman-german tillari kafedrası dotsenti (turk tili);
- 3. Sharq tillari kafedrası o'qituvchisi (fors tili);
- 4. O'zbek va rus tillari kafedrası professori (rus tili);
- 5. Siyosatshunoslik kafedrası mudiri, dotsenti;
- 6. Xalqaro munosabatlar kafedrası dotsenti, o'qituvchisi.

Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati) ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 54-uy (e-mail: kadrlar_bulimi@uwed.uz, telefon: 71-267-65-40) manzilida qabul qilinadi.

ЕР - ҲАЗИНА, МУЛК, ВАТАН!

Она ер инсонни тўйгазиб келган, бундан кейин ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказишда сугориладиган экин ерлари, ўзлаштирилиши мумкин бўлган майдонлар асосий манба бўлиб қолади. Ана шу олтинга қийснанадиган замин муҳитининг бугун глобал иқлим ўзгариши, табиий офатлар, сув танқислиги ва қурғоқчилик туфайли ўзгариб бораётгани ачинарлидир.

Мамлакатимиз мисолида кўрайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, сугориладиган майдонлар 4,28 миллион гектарга тенг. Бу ҳудудда республикамиз бўйича ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоизидан ошқироғи етиштирилади. Буни, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг олтин фондига қийснлаш мумкин. Негаки, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тупроқ унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ.

қўзлаб ундан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ерни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, ҳўжалик юртишининг барча шаклини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шaroит яратиш бугунги кун талабидир. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш белгилаб берилди.

Ерга бўлган мулкчилик шакллариининг ўзгариши ҳисобига халқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган сугорила-

юмшатиш бўйича изчил иш олиб бориляпти. Мамлакат аҳолиси сонининг мустақиллик йилларида 17 миллион кишидан зиёдга кўпайишига қарамастан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми бир неча баробарга ошди.

Ортимизнинг янги даврида иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос экинлар, мева ва узумнинг ҳосилдор навларини яратиш ва ҳосилдорликни 30 — 35 фоизга ошириш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида устувор вазифалардан бири деб белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнатқашлари, балки бугун Ўзбекистон аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган заминимизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Шу жиҳатдан, ер ислохотларини жаддалаштириш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлар талон-торож бўлишининг олдини олиш мақсадида тегишли қонунларни қабул қилиш, хусусан, ер тўрисидаги қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиб бориш муҳим вазифалардан саналади. Айни жараёнда Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси яилловлар деградациясининг олдини олиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларини қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгариш иш олиб бормоқда.

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлашда мажбур ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланган ҳолда замонавий технологиялар ҳамда малакали кадрларни жалб қилиш энг долзарб масалалардан биридир. Бу йўналишда илмий-амалий лоийҳалар асосида тадқиқотлар олиб бориш, бебаҳо бойлигимиз ва ризқ-насибамиз манбаи бўлган она еримизни чулланши ва шўрланиши, қурғоқчилик ва деградациядан асраш халқимиз фаровонлиги, ортимиз тарақиёти учун нақадар муҳим эканини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Зотан ер — ҳазина, ер — мулк, ер — ВАТАН!

Умуммиллий ҳаракат



Яшил олам:

ҲАР БИР КЎЧАТНИНГ ЭГАСИ БОР

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яшил оламни сақлаш ва кўпайтиришга қаратилган ишлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Бугун ҳудудларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўплаб мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилаётгани, янги боғлар ташкил этилаётгани ҳам ана шу савй-ҳаракатлардан дарак беради.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам бундай хайрли амалларнинг фаол иштирокчиси, десак, айни ҳақиқат. Гап шундаки, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги "Қумарик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 5,5 гектар майдонда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси боғи ташкил этилмоқда.

— Баҳор мавсумига хос ишлардан бири яшил ҳудудларни кўпайтириш билан боғлиқ савй-ҳаракатлардир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова. — Шу маънода, Федерация раҳбарияти ва ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари мутасаддилари ва фаоллари яшилликни кенгайтириш, шу орқали она табиятимизни асраб-авайлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Албатта, янги боғларнинг барпо этилиши нафақат юртимиз кўркамига кўрқ бағишлайди, балки бугунги кунда олдимизда турган экологик муаммоларни бартараф қилишда, ҳаво тазалигида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассислар таъкидлаганидек, бу йил кўчат экишининг янги тартиби жорий этилиб, экологияга, атроф-муҳитга кўпроқ фойда берадиган, ҳудуднинг иқлимига мос кўчатлар экилмоқда. Улар қаторига 5 минг 700 тага яқин — терак, софора, катальпа, клён, мевали кўчатлар, пихта, магнолия, кипарис кабиларни киритиш мумкин. Шу билан бирга, бутасимон ўсимликлар, хонаки гуллар экиш, чим қопламаларини ўтқазиш ҳам режалаштирилган. Боғ ҳудуди атрофига тераклар экилиб, ўзига хос салқин иқлим ҳосил қилинади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Табаррук замин

Ерларнинг миқдори, сифати табиий ва антропоген омиллар ҳамда жараёнлар таъсирида йилдан-йилга камайиши ва аксинча, йилловлардаги деградация хавфининг кучайиб бораётгани кузатишмоқда. Демак, глобал озиқ-овқат муаммосини енчиш учун чекланган ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш, ер мулкдорлари ва ижарачиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан интенсив фойдаланишига инвестиция киритиш, ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятларини яратадиган тизимни шакллантириш лозим.

Халқаро ҳамжамиятнинг, жумладан, одамларнинг атроф-муҳитга эътиборли бўлиши, уни асраб-авайлаш, муҳофазага олиш каби мақсадда ҳар йили 22 апрелда Халқаро ер кунг кенг нишонланади. 2009 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 63-сессиясида бу масала кўриб чиқилди, 2010 йилдан бошлаб нишонланиб келинмоқда.

Бундан мақсад — дунё жамоатчилиги эътиборини долзарб экологик муаммоларга қаратиш, уларни ҳал этишда амалий ишларга ундаш, шунингдек, яшаётган она заминимизни, жумладан, мавжуд ер майдонларини асраб-авайлашдир.

Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигининг жаҳон, минтақа, миллий, маҳаллий ва уй хўжалиги даражалари мавжуд бўлиб, Ер юзида глобал иқлим ўзгаришининг натижасида юз бераётган табиий офатлар, сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар ерларнинг тупроқ структураси ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Республика аҳолисининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, ижтимоий турмуш даражасини доимий равишда ошириб боришга бўлган талабини қучайтиради. Айниқса, бугунги кунда

дунёда бўлаётган нотинчлик орқасидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби янада кучайиши, ўз навбатида, ер майдонларидан, жумладан, қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларнинг муҳофазаси заруратини пайдо қилади.

Аёнки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ер масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган кўплаб қонунлар ва ҳуқумат қарорларининг қабул қилиниши ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва ер муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилишига асос бўлди.

Айни чоғда аграр соҳада ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилинди. Жумладан, ер муносабатларини ҳуқуқий асосда ривожлантириш ва тартибга солиш, ерлардан мақсадга кўра оқилона ҳамда самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, давлат ер кадастри тўғрисидаги, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги ва яиллов тўғрисидаги, тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисидаги қонунлар Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган.

Шунингдек, ер тўрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини

• Ерларнинг миқдори ва сифати табиий ва антропоген омиллар ҳамда жараёнлар таъсирида йилдан-йилга камайиши ва аксинча, йилловлардаги деградация хавфининг кучайиб бораётгани кузатишмоқда.

• Ер юзида глобал иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар, сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар тупроқ структурасининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

• Мева ва узумнинг ҳосилдор навларини яратиш ва ҳосилдорлигини 30 — 35 фоизга ошириш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида устувор вазифалардан бири деб белгиланган.

• Мамлакат аҳолиси сонининг мустақиллик йилларида 17 млн. кишидан зиёдга кўпайишига қарамастан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми бир неча баробарга ошди.

диган ерларга бўлган эътибор кучаймоқда ҳамда моддий манфаатдорликка эришилмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида кўлга киритилган муваффақиятларнинг негизи бебаҳо ҳазинамиз бўлган ер ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишга ҳуқуқимиз тўмонидан қатъи эътибор қаратилаётганида намойён бўлмоқда.

Мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, уларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ерлар деградациясига қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини

Рисқол СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбасари,
Кўчқор ХОЖИЕВ,
қўмитаниннг эксперт гуруҳи аъзоси.

БОҚИИ ҚАДРИЯТЛАР

МЕҲР БОҒИНИНГ МУАТТАР ЧЕЧАКЛАРИ

— Дўстим, мени табрикла, фарзандлик бўлдим!
— Умри билан берган бўлсин! Хўш, энди байрам қилиб, би-ир "эрийсан-да" тўғрими?
— Йўқ, дўстим, бу дабдабанинг нима кераги бор. Отам бир маслаҳат берди, шунга амалга оширмоқчиман, сенинг ҳам ёрдаминг асқатади.
— Узи нима қилмоқчисан?
— Ҳозир бозорга бориб, 10 туп мевали дарахт кўчати сотиб оламиз. Кейин уни янги туғилган чақалоқ шарафига экамиз. Уғлим улғайиб, юра бошлаганида дарахтлар ҳосилга қиради. Ҳам мева, ҳам тоза ҳаво. Ахир она табиятимиз яшилликка муҳтож бўлиб турган пайтда булар-бўлмас дабдабаю асасига бало бориб? Фикрим сенга маъқулми?
— Жўра, тўғри уйлабсан, кетдик бозорга...

Бу каби ибратли ташаббуслар кенг қанот ёза бошлагани қувонарли, албатта. Азалдан халқимиз фарзанд туғилганда унга атаб терак экани, ўғлига уй қурганида шу теракдан фойдалангани ҳақида кексаларимиз гапириб юришади. Бугун эса ана шу ўлмас қадриятлар яна урфга айланмоқда, ёши олтимшига етган кишилар 60 туп кўчат экиб, боғни парваршилашни ўз зиммасига олаётгани ҳам аёнана тўсима қиради. Юрта меҳри, муҳаббати юксак одам, албатта, она заминга ўз қўллари билан ниҳол экади-да. Аслида, Ватанин севиш уни боғ-роғларга айлантиришдан бошланмайдими?

Тан олиш керак, тўқчилик шўхликлар ҳам учрайди. Тўйлардаги, турли маросим ва идиҳомлардаги ортиқча таомлар дабдаба оддий оила бюджетини чуқуртириб қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, бу маросимларнинг ўзи ортиқча ташвиш. Унинг ўрнига тўйболага атаб мевали дарахт кўчати ўтқазилса ёки келин-куёв ўз қўли билан тўрт туп дарахт ўстирса, қалбан табиятга ақинлашамизку! Узимиз эккан дарахт куртак чиқарса

ёки барг ёзса, руҳиятимиз осмонни чарқлаб кетади. Масалан, аёлларимиз "тан"га йиғилганида "Келинлар, ҳар биримиз биттадан дарахт кўчати ўтқазиб, ўзимизнинг номимиз билан атайимиз" дейишса ва бу ишни амалга оширса, қандай яхши. Ёки эркак "гаштак"чилар ўзларининг "улфатлар боғи"ни яратишса, ҳар гал йиғилишганида шу боғдаги дарахтлар остини юмшатишса, парваршилашса, нур устига нур эмасми?

Кекса авлод вакиллари фарзандлар ва набираларни кўчат экишга ундаб туриши керак. Катталар ўғитини ўғил-қизлар қабул қилишди, қулқот тутишди. Айни "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётган кезларда отахону онахонлар сўзига муҳтожлик сезилиб турибди. Шундай онахонлардан бири Нишон туманида яшовчи кекса муаллима Гулнеҳра аянинг фикрлари барча учун ибратли. Онахон бугун юртимизда боғ-роғлар кўпаяётгани, кўчат экиш виждон ишига айланганидан суноиб, ўз ҳовлисидаги боғ тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Онахоннинг айтишига кўра, бошлангич синфда ўқитган шоғирди Япониядан кўнгирик қилиб, устозини Ҳайит байрами билан табриқлабди ва боғдаги бир дарахт ҳақида сўрабди.
— Устоз, боғингиздаги мен эккан ўрик дарахти оппоқ гулга бурканган бўлса керак?
— Бобуржон, нимасини айтасан, бу йил дарахтинг шундай қийғос гулга кирдики, новдаларини кўзимга суртиб, сени эслаб турганим, ўзинг кўнгирик қилиб қолдинг, болам. Тани-жонинг соғми, ўқишларинг яхшими? Дарахтинг мева берипти, албатта, сен ҳам яхши мутахассис бўлиб, янги Ўзбекистон иштиқболи йўлида хизмат қиласан.

У томондан овоз эшитилмади. Бобурни она юрт соғинчи, болалик хотиралари бир зум ўйлантириб қўйган, қангли алланечук бўлиб кетган эди. Онахоннинг ҳам киприкларини намланди. Гулнеҳра муаллима кўз ўнгига жажжи Бобур ва унинг синфдошлари гавдаланди. Ушанда ўқувчилар устози туғилган кунига дарахт кўчати совға қилишгани. Муаллиманинг ҳамкасбларидан бири: "Бир кучоқ чўлни совға ўрнида қабул қилдингизми?" деб кесатган эди. Уша бир кучоқ "чўл" бугун мевазор боққа айланганини у кўрганида эди!

Бобур ўрик, Нарғиза олма, Зилола шафтоли, Муроджон гилос, Севинч олхўри, Даврон жўрма, Улуғбек нон, хуллас, 22 ўқувчи совғага 22 та кўчат олиб келган. Шоғирдлар яратган бу боғ устоз ва шоғирдлар ўртасидаги суҳбатда доим эсга олинди. Ҳар гал ўқувчилари кўнгирик қилганда Гулнеҳра муаллима дарахтлар кўкка бўй чўзаётгани

ҳақида гап очади. Шоғирдлар ўз қўллари билан эккан дарахт ўсаётгани, ривожланаётгани, гуллаб мева туғайтганидан қувонишади.

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Янги Себзор маҳалласида яшовчи, ёши етмишдан ошган Дилором аянинг кўп қаватли уйлар ўртасида боғ яратгани ҳам ибратга лойиқ. Тиниб-тинчимас онахон билан яқинда суҳбатлашганимизда у болаларга она табиятга муҳаббат уйғотаётгани ҳақида сўзлаб берди.

— Кўп қаватли уйлар ўртасида боғ яратиш осон бўлмаган, — дейди онахон. — Бундан уч йил олдин дастлабки кўчатларни экаётганимда баъзи кишилар "Бу ерда дарахт ўсмайди, сув йўқ, ёзда қуриб кетади" деб айтишганди. Мен эса фикримдан қайтмадим, "бақлажқа"да сув ташиб, дарахтларни ундириб олдим. Эндиликда 30 туп дарахтга тахтача осиб, унга "Зарнигор", "Шукрона", "Зебузар", "Иброҳим" каби болалар исмларини ёзиб қиддим. Бу болалар ҳар кун "бақлажқа"да сув олиб келиб номи ёзилган дарахтлар остига қуяди. Бундан ота-оналар ҳам жуда хурсанд. Айниқса, 6-7 ёшли бу болажонларнинг "Менинг дарахтим гуллабди", "Менинг дарахтим барг чиқарибди" деган гапларини эшитганимда ниҳоятда яйраб кетаман.

Дилором ая бу бўстонни "Меҳр боғи" деб атабди. Кексалар шу боғ ёнидаги ўриндиқда нафас ростлаб, чойхўрлик қилишади. Жасур бобонинг "лейка"да дарахтларга сув қуйиб юргани эса болаларлар учун намуна. Айтмоқчи, кўп қаватли уйларда чақалоқ дунёга келса,



ота-она шу боққа бир туп ниҳол экади. Уша чақалоқ юра бошлаганида шу дарахт остига унинг қўллари билан сув қуйишади. Бундай гўзал аъналар ҳаётимизнинг аъмолига айлиниб бораётгани қувонарли, албатта. Аммо қанайди, барча маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар ёнида Дилором ая яратган боғ каби мевазор масканлар яратилса?! Бунинг учун имконият бор, фақат уни қўлдан бой бермаслик керак.

Кўчат экиб, боғ яратиш энг савоб иши. Зотан, элу юртимиз гулу гулзорларга бурқаниб, табиятимиз сўлим ва гўзал қиёфага кирса, бу бизнинг, фарзандларимизнинг, қолаверса, келажак

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Абдумуталлиб ТОЙИРОВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 442. 14 591 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мазалига қайтарилмайди.

Газетанинг берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6